ISSN: 2181-4341, IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 9.145, SJIF – 5,431

Навоий туманлараро иқтисодий суди судьяси

Б.Холмуродов

90 338 28 00.

xolmurodovbobur68@gmail.com

ИСЛОМИЙ БАНК НИМА ВА У ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ? ЯНГИ ҚОНУН ТАҲЛИЛИ

2026 йил 27 март куни қабул қилинган ЎРҚ-1126-сонли қонун Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини расман жорий этишга қаратилган бўлиб, у солиқ ва фуқаролик қонунчилиги ҳамда бир қатор бошқа қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритилишини назарда тутади. Қонунга мувофиқ, исломий молия тизими Шариат тамойиллари асосида, фоиз (рибо)дан воз кечган ҳолда, фойда ва зарарни шериклик асосида тақсимлашга қурилади.

Қонун исломий молия операцияларини солиққа тортишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам белгилайди, жумладан, айрим операциялар ҚҚСдан озод қилинади. Ушбу ислоҳотлар орқали мамлакат иқтисодиётига қўшимча инвестициялар жалб қилиш, молиявий хизматларни диверсификация қилиш ва “хуфиёна иқтисодиёт” маблағларини расмий секторга олиб чиқиш мақсад қилинган.

Калит сўз: исломий банк, исломий молия, лицензия, шариат, рибо тақиқ, фойда ва зарар тақсимоти, музараба, мурабаҳа, мушарака, ижара, вакала, салам, сукук, такафул, молиявий ислоҳотлар.

Ислом банки, **исломий молия** (арабча: مصرفية إسلامية), ёки **Шариатга мувофиқ молия**[1] – бу шариат (Ислом қонунлари) ва уни ислом иқтисодини ривожлантириш орқали амалда қўллашга мос келадиган банк ёки молиялаштириш фаолияти[1].

Шариат барча қарзлар бўйича тўланадиган фоиз сифатида таърифланган рибани ёки судхўрликни тақиқлайди (гарчи баъзи мусулмонлар фоиз рибага тенг эканлиги тўғ‘рисида якдил фикр борми ёки йўқми, деб баҳслашса ҳам)[2].

Ислом тамойилларига зид деб ҳисобланган (масалан, чўчқа гўшти ёки спиртли ичимликлар) товарлар ёки хизматлар кўрсатадиган корхоналарга сармоя киритиш ҳам ҳаром („гуноҳ ва ман этилган“).

20 аср охирида исломий ўзига хосликни қайта тиклаш доирасида. Бу тамойилларни мусулмон жамияти ичидаги хусусий ёки ярим хусусий тижорат муассасаларига татбиқ этиш учун бир қанча ислом банклари ташкил этилган. Уларнинг сони ва ҳажми ошиб борди, шунинг учун 2009-йилга келиб дунё бўйлаб ислом тамойилларига мос келадиган 300 дан ортиқ банк ва 250 та инвестиция фондлари 2014-йилга келиб 2 триллион доллар

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Islom_bank_ishi_va_moliyasi

[2] Islom_bank_ishi_va_moliyasi#CITEREFKhan2013

атрофида бўлди[3]. Шариатга мос молиявий институтлар жами жаҳон активларининг тахминан 1% ни ташкил этди.

Ислом иқтисодчилари Чоудҳури ва Маликнинг фикрига кўра, қизиқишнинг йўқ қилиниши халифа Умар (милодий 634-644-йилларда) даврида „тўлиқ ислом иқтисодий тизими“ билан „кулминатсияга учраган“ илк исломда „босқичма-босқич жараён“ ортидан содир бўлган.

Бошқа манбалар (*Ислом ва мусулмон дунёси энтциклопедияси*, Темур Қуръон) бунга қўшилмайди ва „баъзида ҳуқуқий ҳийлалар (*ҳийял*) ёрдамида) мусулмон жамиятида бу ҳаракатлар давом этганлигини таъкидлайди“.Шу жумладан Усмонли империяси даврида ҳам шундай бўлган.

Яна бир манбада (Интернатионал Бусинесс Публисатионс) айтилишича, „Ислом олтин даври“ даврида ислом ҳуқуқи ва иқтисодининг „классик ҳуқуқшунослари орасида *рибога* нисбатан умумий нуқтаи назари“ олтин ва кумуш валюталарга фоиз қўллаш ҳаром бўлган, „лекин *риба* эмас ва шунинг учун қоғоз ёки оддий металлар каби бошқа материаллардан ташкил топган пул бирликларига нисбатан фоизларни қўллаш мақбулдир.“

Саййид Аҳмад Хон исте’мол учун қарз бериш тўловлари билан чекланган деб билган гуноҳкор *риба* „судхўрлик“ ва тижорат сармояси учун қарз бериш учун қонуний *нориба* „фоиз“ ўртасидаги фарқни илгари сурди

Ўзбекистон банк кредит тизимини янада такомиллаштириш ва асосан фоизли кредитларни камайтириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020-йил 29-декабрдаги парламентга мурожаатномасида „Исломий Тижорат банклари“ юртимизда ўз фаолиятини бошлашини та’кидлаб ўтган эдилар ва шу муносабат билан Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар ўрганилди. Ислом Тараққиёт Банки (ИсДБ), Хусусий Тармоқни Ривожлантириш (ИСД), Халқаро ислом савдо молия корпоратсияси (ИТФС), Ислом тадқиқотлар ва тренинглар институти (ИРТИ) ислом молиясини ривожлантиришда ҳозирги кунга қадар мамлакатимизга 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд маблағларни юналтирган.

Ўзбекистонда ислом банкини жорий этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. У исломий банк фаолиятини лицензиялашни назарда тутади, исломий операциялар рўйхатини киритади ва уларни солиққа тортиш хусусиятларини аниқлаштиради. Марказий банк ҳузурида Ислом молияси кенгаши ташкил этилади.

Жорий йил 27 март куни “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни [ЎРҚ-1126] қабул қилинди.

Қонун билан Солиқ ва Фуқаролик кодекслари ҳамда 7 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Исломий молия фаолияти — бу Ислом дини тамойилларига асосланган молиявий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади иқтисодий фаолиятни адолат, ҳалоллик ва ижтимоий

[3] *The Economist*. The Economist Newspaper Limited (2014-yil 13-sentyabr).

масъулият асосида ташкил этишдан иборатдир. Ушбу тизимда молиявий операциялар Шариат қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Исломий молиянинг энг муҳим жиҳатларидан бири — фоиз (риба) олиш ва беришнинг тақиқланишидир. Чунки Исломда фоиз орқали даромад топиш адолатсиз деб ҳисобланади. Шу сабабли, молиявий муносабатлар фойда ва зарар асосида шериклик тамойилига қурилади. Бу эса тарафлар ўртасида риск ва даромадни тенг тақсимлашни таъминлайди.

Хусусан, ушбу қонун билан қонунчиликка исломий банк фаолияти, исломий молия операциялари, исломий молия стандартлари ҳамда инвестициявий омонат (депозит) тушунчалари киритилмоқда.

Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия жорий қилиниб, мазкур лицензияни олиш бўйича аниқ талаблар ўрнатилмоқда.

Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга банклар томонидан амалга ошириладиган исломий молия операциялари рўйхати келтирилмоқда.

Исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларга бевосита савдо фаолиятини амалга оширишга ҳамда юридик шахсларни ташкил этиш ва юридик шахсларнинг устав фондларидаги улушларни ёки акцияларни чекловларсиз олишга рухсат берилмоқда.

Исломий молия фаолияти билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий банк ва банкларда исломий молия кенгашини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятига доир талаблар белгиланмоқда.

Марказий банкнинг Исломий молия кенгаши беш нафар аъзодан иборат бўлган таркибда ташкил этилади ва Марказий банк назорат қилиши керак бўлган шахслар томонидан амалга ошириладиган исломий молия фаолиятини мувофиқлаштирувчи коллегиал орган ҳисобланади.

Исломий молия кенгаши исломий молия стандартларини ишлаб чиқади, Исломий молия фаолияти бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Марказий банкка кўмаклашади, исломий молия соҳасига оид баҳс-мунозараларга сабаб бўлувчи масалалар юзасидан тушунтиришлар ва изоҳлар беради ҳамда исломий молия фаолияти билан боғлиқ низолар бўйича хулосалар беради.

Исломий молия операцияларининг турлари

Қонунга мувофиқ, лицензияга эга банклар қуйидаги 6 та асосий операцияни амалга ошириши мумкин:

Музараба: Фойда ва зарарни бўлишиш шарти билан мижозни молиялаштириш ёки инвестициявий омонатларни жалб қилиш.

Вакала: Агентлик шартномаси асосида пул маблағларини жалб қилиш ёки тақдим этиш.

Мурабаҳа: Товарларни устама ҳақи билан муддатли тўлов (муддатли савдо) асосида сотиш орқали молиялаштириш.

Салам: Етказиб бериладиган товарлар учун олдиндан тўловни амалга ошириш орқали молиялаштириш.

Мушарака: Шерикчилик (қўшма фаолият) ёки юридик шахсларнинг устав капиталида иштирок этиш орқали молиялаштириш.

Ижара: Мол-мулкни сотиб олиш ҳуқуқи билан исломий ижара асосида фойдаланишга бериш.

Ушбу тизим **«хуфиёна иқтисодиёт»даги** маблағларни расмий банк секторига жалб қилишнинг муқобил механизми сифатида қаралмоқда.

2026–2030-йилларга мўлжалланган стратегияга кўра:

Мамлакатда камида иккита тўлиқ исломий банк ташкил этилади ва давлат банкларида «исломий дарчалар» очилади.

Ушбу ислоҳот натижасида иқтисодиётга қўшимча равишда тахминан 1 миллиард доллар миқдорида инвестиция ва омонатлар жалб қилиниши кутилмоқда.

Мазкур лицензия амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилади ва лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш тақиқланади.

Ўзбекистон Солиқ кодексига исломий молия операцияларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам белгиланди.

Жумладан, солиқ тортиш мақсадларида:

- банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан исломий молия фаолияти доирасида мижозга реализатсия қилинадиган товарларга қўйиладиган устам ҚҚСдан озод қилинади;
- исломий молия фаолиятидан олинган даромад фоизли даромад деб эътироф этилмоқда;
- исломий молия стандартларига мувофиқ тузилган исломий ижара шартномалари ҳам молиявий ижара ва лизинг шартномаларига тенглаштирилди.

Ҳужжат билан фоиз (рибо) кўринишидаги мукофотни тақиқлаш, фойда ва зарарларни лойиҳада иштирок этиш улушига мутаносиб равишда тадбиркор билан бўлишиш, исломий молиялаштириш тамойиллари асосида суғурта фаолияти (такафул), лизинг фаолияти (ижара), қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича фаолият (сукук) ва бошқа операцияларни амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган янги қонун Ўзбекистонда исломий молия тизимини расман жорий этишга йўл очади. Ушбу тизим фоиз (рибо)сиз ишлайди ва молиявий муносабатларни адолат, ҳалоллик ҳамда шериклик асосида ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. https://lex.uz/uz/docs/-6445145.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. https://lex.uz/uz/docs/-180552.
3.
4. Пул кредит ва банклар. Дарслик /А. А. Омонов, Т. М. Қоралиев. Солиқ академияси,Тошкент молия институти.-Т:" Иқтисод- Молия", 2012.
5. „Банклар ва банк фаолияти ҳақида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т."Ўзбекистон"- 1996.
6. Сукукю Шариатский стандарт№ 1/ Пер с англ;[Ред совет:Р.Р Вахитов и др] ;Орг. Бухюучетаи аудита исламских фин. Учреждений (ААОИФИ). –М :Исламская книга б 2010.
7. Абрас, А. ва Ал Маҳамед, М. (2022). Исломий молиявий ҳисоботларни стандартлаштириш лойиҳаларида институтсионал тадбиркорликнинг юксалиши

ва тушиши. Бухгалтерия форуми. ҳттпс://дои.орг/10.1080/01559982.2022.205168*9780748627769*.
8. *Lex.uz*.
9. Ўзбекистон Республикаси Қонуни 27.03.2026 йилдаги ЎРҚ 1126-сон.
10. https://president.uz/oz/lists/view/4047.